

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати фаолиятининг ташкилий -ҳуқуқий асослари**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс
хуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси **Исмоилов Азизбек**
Юнусович

Илмий раҳбар: “Давлат ҳуқуқи ва
бошқаруви” кафедраси доценти
Зулфиқоров Шерзод Хуррамович

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-БОБ.	ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ – МУҲИМ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА
1.1.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг хуқуқий асослари8
1.2.	Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддати ва депутатлик ваколатларининг тугатилиши18
1.3.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг дахлсизлиги28
II-БОБ.	ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ
2.1.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг хуқуқлари.....34
2.2.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг мажбуриятлари49
2.3.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштириш ҳамда хуқуқий кафолатлар тизимини янада мустаҳкамлаш.....55
Хуроса.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарбилиги. Мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, у демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятининг амалда бўлишини таъминлашни назарда тутади. Ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш кўплаб муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва давомли жараёндир. Парламент ҳар қандай мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун унинг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъruzасида “... Юртимизда қўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда”¹ деб таъкидладилар.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг барпо этишдан асосий мақсадлардан бири бу парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозонат ва чекловлар тизимини яратиш, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябр кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маъruzаси. Халқ сўзи. 13 ноябр

Парламентнинг ваколатларини Президент ваколатлари ҳисобига кенгайтириш, доимий асосда ишлайдган Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ишини ташкил этиш депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди¹.

Бу вазифаларни амалга оширишда эса Қонунчилик палатаси депутатларининг фаоллиги, уларнинг хуқуқларининг қай даража кафолатланганлиги, дахлсизлигининг таъминланиши каби масалалар мухим омил ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 27 январь кунидаги биринчи йиғилишида сўзлаган нутқларида: “Депутат – бу мустақил фикрли инсон. У қайси партияга мансуб бўлмасин, аввало ҳалқ олдида жавоб беради. Шунинг учун ана шу ҳалқ манфаатлари йўлида парламентдаги ғоялар, ёндашув ва қарашлар хилма-хил бўлгани яхши”лигини таъкидлаганлар².

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти ўз нутқларида³ Қонунчилик палатаси депутатларига мурожаат қилиб, ҳар қайси депутат ўзининг қадр-қимматини билиши лозимлигини, меҳр-оқибатлилик бизнинг ҳалқимизга ярашадиган, бизнинг ҳалқимизга хос бўлган фазилат эканини ҳеч качон ёддан чиқармаслик даркорлигини ҳамда Амир Темур бобомиз айтганидек, қандай ҳалқнинг фарзандимиз, деган саволни ҳам ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимлигини кўрсатган.

2014 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси, 21-бандига ўзгартиш киритиш бўйича “ушбу Конституцияда назарда тутилган парламент назорати ва бошқа ваколатларни амалга оширади” деган мазкур қоида, ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилини амалда жорий қилиш, улар ўртасида мувозанатни таъминлаш, қонун

¹ Хусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 3-бет.

² Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 й, 9-10-бетлар.

устуворлигига эришиш, мустаҳкамловчи ҳуқуқий асосдир. Бу қоида нафақат Конституциянинг 78-моддаси, балки Асосий Қомусимизда мустаҳкам кўйилган парламент назоратига доир бошқа ваколатларни амалга оширишни назарда тутади.

Республикамиизда амалга оширилган бир қатор ижобий силжишларга қарамасдан депутатларнинг мақомини белгилашда, уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз мажбуриятларини ижро қилиш, уларнинг дахлсизлиги борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ҳозирги кунга қадарли фаолият кўрсатган депутатларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги, улар конун билан кафолатланган ўз ҳуқуқларидан етарли фойдалана ола олмаётганликлари каби муаммоларни кўрсатиш мумкин.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ҳокимияти тизмида қонунчилик ҳокимияти органи, хусусан депутатларнинг мақоми ва улар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни кўпгина ўзбек ва хориж олимлари тегишли йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борган. Хусусан, Ж.Руссо, М.В.Баглай, В.Е.Чиркин, А.В.Зиновьев, Е.И.Колюшин, А.С.Авакъян, А.А.Безуглов, О.О.Миронов, Б.А.Страшун каби хориж олимлари, А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, И.А.Хамедов, А.С.Турсунов, Ф.Х.Раҳимов, Ҳ.Т.Одилқориев, С.А.Аббосхўжаев, О.Хусанов, Р.Қаюмов, А.Тўлаганов, Ҳ.А.Алимов, И.Т.Тультеев каби ўзбек ҳуқуқшуносларининг монография, дарсликлари ва мақолаларида ёритилган¹.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, мавжуд маълумотлардан “Конституциявий ҳуқук”, “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуки”, “Парламент ҳуқуки” фанларидан маъруза ва семинар машғулотларида, давра сухбатлари ҳамда конференцияларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда ўтказилган парламентар ислоҳотлар натижасида вужудга келган Қонунчилик палатаси ва

¹ Тегишли асар ва мақолалар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

унда фаолият кўрсатаётган депутатларнинг хукуқий мақоми аввалги бир палатали Олий Мажлис ва депутатларнинг хукуқий ҳолатидан кескин фарқ қиласди.

Мамлакатимизда Олий Мажлис ва депутатлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган янги қонунлар, хукуқий актларнинг қабул қилиниши ҳам мавзуни янгидан таҳлил қилинишини тақозо қиласди. Буларнинг ҳаммаси баъзи назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилиши ҳамда уларни амалиётда қўлланилишини тақозо этади. Улардан баъзилари тадқиқот ишида берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун хужжатларига мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатларининг хукуқий мақоми ўрганилди;
- парламентар ислоҳотлар соҳасида ҳокимиятнинг бўлиниши асосида депутатларнинг хукуқ, мажбуриятлари, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилиши зарурияти исботланди;
- Қонунчилик палатаси депутатларининг Қонун ва бошқа меъёрий хужжатларда аниқланган ваколатлари умумий таҳлил қилинди ва уларга таҳлил, шарҳлар берилди, уларнинг амалий қўлланиш натижаларига баҳо берилди;
- Қонунчилик палатаси депутатларининг Қонун ва бошқа меъёрий хужжатларда аниқланган ваколатлари хорижий мамлакатлар парламент депутатлари ваколатлари билан қиёсий таҳлил қилинди;
- қонунлар қабул қилишда ва парламент назоратини амалга оширишда депутатларнинг ўрни ва роли очиб берилди.

Ишнинг предмети - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг хукуқий мақоми, ваколатлари, хукуқлари, мажбуриятлари ва уларнинг фаолиятига оид хукуқий бошқа масалаларни таҳлил қилишдан иборат.

Ишнинг мақсад ва вазифалари - миллий парламентаризмни шакллантиришда Конунчилик палатаси депутатларининг ўрни ва моҳияти, депутатларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда, дахлсизлигини таъминлашда мавжуд муаммоларни, улар фаолиятини тартибга солиш борасида шаклланган муносабатлар билан амалдаги норматив ҳужжатларнинг мувофиқлигини таҳлил қилиб, келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни очиб бериш ва уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг услугий ва назарий асосини илмий асосланган фикрлар ташкил қиласди. Баён қилинган фикрларнинг бошланғич нуқтаси бўлиб, И.А.Каримовнинг асарларида ёритилган демократик ислоҳотлар шароитида парламент тузилишини ўзгартириш ва депутатларнинг масъулиятини ошириш борасидаги ғоялари ташкил қиласди.

Диссертация мавзусини таҳлил қилишда Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва депутатлар фаолиятига доир норматив ҳужжатларни таҳлил қилиш тамойилларидан фойдаланилди. Бунда расмий юридик таҳлил қилиш услугидан ҳам кенг фойдаланилди. Мавзуни тўлиқ ёритилиб берилишида асосий танқидий ва турли баҳсли фикрларнинг асосийларидан фойдаланилди.

Диссертацияни ёзишда кўп ҳолларда Конунчилик палатаси ва депутатлар фаолиятига бағишлиланган қонунлар, адабиётлар ва қўшимча адабиётлардан ҳамда амалиёт ўташ даврида орттирилган тажрибалардан фойдаланилди.

Ишнинг тузилиши: Иш кириш кисми, 2 та боб, 6 параграф, хулоса кисми ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**I-БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ –
МУҲИМ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

**1.1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг
хуқуқий асослари**

Қонунчилик палатаси депутатлари халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи тўлақонли вакилидир. Республикализнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, хуқуқий давлат қуришда, чин маънодаги демократияга эришишда депутатларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантиришда Олий Мажлис депутатининг хуқуқий мақомини такомиллаштириш, унинг фаолиятининг хуқуқий асосларини аниқ белгилаб бериши муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқшунос олим Р.Қаюмов “депутатнинг хуқуқий мақоми-бу депутатларнинг хуқуқий нормаларда белгиланган хуқуқлари, мажбуриятлари ва бурчлари, улар фаолиятининг шакллари ва ваколатларини йифиндиси демакдир” деб таъкидлаган¹.

Менинг фикримча, депутат мақомига унинг ваколати муддати ва доирасини, унга қўйилган талаблар ва берилган имтиёзлар, депутатлик фаолияти кафолатлари ва шаклларини, моддий ва бошқа ижтимоий таъминот, депутатлик иммунитетини ҳам киритиш лозим.

Шундай қилиб, депутатнинг хуқуқий мақоми кўп ҳолларда унга юкланган вазифаларни сифатли ва белгиланган тартибда амалга ошириши унинг хуқуқий кафолатини қай даражада белгилаб берлиганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалалар тегишли тартибда хуқуқий

¹ Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияйи хуқуки Тошкент, 1998 йил «Адолат» нашриёти, 300-бет.

тартибга солиниши депутатлик фаолиятини тўсиқларсиз ва самарли амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-хукукий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг хукукий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қатор қонун нормаларида: “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиютини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва бошка қонун хужжатларида аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг хукукий асосларини ифодаловчи хукукий нормалар ичida конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга.

Конституциянинг 87-88-моддаларида депутатларнинг хукукий мақомининг умумий асослари белгилаб берилган, яъни депутатларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик хукуки ва депутатлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган.

Конституцияда депутатлар фаолиятининг хукукий асосларини белгиланиши уларнинг дахлсизлигини ва фуқаролик обрў-эътиборини янада мустаҳкамлайди. Бу амалиётни қатор ҳорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳам учратиш мумкин.

Хусусан, шундай қоида тарқалганки, унга кўра депутатни факат парламентнинг ўзи дахлсизлик хукуқидан маҳрум этиши мумкин. Бундан принциплар, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Германия,

Франция каби мамлакатларнинг конституцияларида тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган.

Кўпгина мамлакатлар конституцияларида депутатларнинг дахлсизлигини кафолатлаш тартибида депутат ўзининг парламентдаги чиқишилари ёки овоз бериши учун бирон-бир таъкибларга дучор қилиниши мумкин эмаслиги ҳам белгилаб қўйилган.

Бундай қонун нормалари жаҳон амалиётидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиз қонунчилигига ҳам ўз аксини топган.

Депутат мақоми 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида кенгроқ ва тўлароқ тартибга солинган. Ушбу қонунда депутатларнинг мақомига тегишли барча масалаларни - кимлар депутат бўлиши, уларнинг ваколат муддати, депутатликни тасдиқловчи воситалар, депутатнинг Олий Мажлисдаги иши каби масалаларни қонуний асосда мустаҳкамлагани, депутатнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятларини, депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан олиб борадиган ишларини, депутатнинг парламент сўровини, депутат одобини ўз ичига қамраб олган.

Қонунчилик палатаси депутати алоҳида мақомга эга шахс бўлгани боис улар мустақил фаолият кўрсатиши, ўз фаолиятини тўсиқларсиз бажариши учун уларнинг фаолияти маҳсус кафолатланиши заруратини туғдиради. Шу сабабли юқоридаги Қонун қабул қилиниб, қонунда депутатлар фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланди. Бу кафолатлар депутатнинг хуқуқлари, шаъни ҳамда қадр-қимматини муҳофоза қилинишини, депутат дахлсизлик хуқуқидан фойдаланишини, уларни дахлсизлик хуқуқидан маҳрум қилишни алоҳида тартибининг белгиланиши, депутатларнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниши, депутатлар меҳнат қонунларининг алоҳида муҳофоза қилиниши, депутатлар ҳарбий йиғинлардан озод

қилиниши, уларнинг фаолияти ахборот ва моддий техникавий жиҳатдан таъминланиши, уларга алоҳида хизмат хонаси берилиши, транспортдан фойдаланиши, турар жой билан таъминланиши масалаларига қаратилган¹.

Хусусан, ушбу Қонуннинг 6-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатлари, депутатларга қўйилган талаблар, унинг дахлсизлиги каби масалалар умумий ҳолатлари белгиланган.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи комплекс ҳуқуқий норма сифатида баҳолаш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатини ҳуқуқий мақомини асосий характерли томонларини аниқлашдан олдин, депутат - парламентарий ёки ўзининг сайловчиларининг ёхуд унинг номзодини илгари сурган ташкилотнинг вакилими деган саволнинг ечимини топиш лозим. Бу саволга аниқ жавоб бериш учун депутатлик мандатининг табиатини очиш лозим.

Шу қаторда бу саволнинг жавоби депутатнинг ҳуқуқий мақомининг мазмуни, унинг вазифалари ва функциялари, давлат хизматчилари тизимида тутган ўрнини аниқлаш билан узвий боғлиқдир.

Суверенитетни француз мутафаккури Жан Жак Руссо каби тушунувчилар халқ суверенитетини тақсимлаб депутатга инъом этиб бўлмайди, унга факат ҳокимият ваколатларини бериш мумкин, дейдилар. Ж.Ж.Руссонинг ўзи шундай хулоса қилган: “Халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар факат ундан ваколат олган кишилардир”². Халқ депутатларга ҳокимият ваколатларини инъом этади,

¹ Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 3-бет.

² Руссо Ж.Ж. Трактаты. Москва: Наука, 1969 йил, 222-бет.

депутатлар эса қонун қабул қилиш орқали халқнинг умумий иродасига мувофиқ ҳаракат қиласидилар.

Бу фикрдан депутатнинг хуқуқий мақомини белгиловчи муҳим принцип - яъни императив мандат принципи келиб чиқади. Унга кўра, сайловчилар ўз депутатларига бажарилиши шарт бўлган топшириқлар бера оладилар, ишончни оқламаган депутатни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олишлари мумкин. Таъкидлаш лозимки, ҳорижий мамлакатларда депутатлар ва сайловчилар ўртасида тўғридан-тўғри вакиллик муносабатлари йўқ. Боиси, депутат сайловчиларнинг алоҳида гурухининг эмас, балки бутун халқнинг, бутун миллатнинг вакили ҳисобланади. Шунга кўра, депутат “Эркин мандат”га эга, яъни ўз номидан чиқишлиар қиласар экан, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаши шарт.

Ривожланган мамлакатлар конституциялари эркин мандатни мустаҳкамлаб қўяди ҳамда депутатнинг эркинлигини чекловчи ва унинг сайловчилар томонидан чақириб олинишини назарда тутувчи императив мандатдан ҳимоя қиласиди¹.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, Конунчилик палатаси депутатлари ҳам ўз сайловчилар манфаатларини, ҳам бутун халқ манфаатини акс эттирадилар, халқ иродасини ифода этувчи қонунлар қабул қиласидилар.

Шунинг учун Конунчилик палатаси депутатларига қонун чиқарувчи органга сайланган, ўз сайловчилари олдида тўғридан-тўғри жавобгар бўлмаган, ўз фаолиятини маълум бир гурухнинг вакили сифатида эмас, балки мамлакатнинг барча фуқаролари, бошқача сўз билан айтганда бутун халқнинг вакили сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Шундай ҳолатда депутат ўз ҳаракатларида жуда кенг мустакилликка эга бўлади, ўз фаолият кўрсатишида шахсий фикр ва қарашларига асосланган

¹ Чиркин В.Е. Конституционное права зарубежных стран. Москва, 1999 г, 255-ст.

холда бутун халқ манфаатидан келиб чиқади. Депутатнинг бундай мақоми ҳуқуқий фан тизимида эркин мандат деб юритилади¹.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатига сайловчиларнинг вакили ҳуқуқий мақомини берилиши улар олдида жавобгарлиги билан узвий боғликлигини таъкидлашдир.

Депутатни чақириб олиш масаласига келсак, бу норма амалиётда жуда ҳам кам қўлланилган ва айтиш мумкинки мазмун жиҳатидан декларатив характерга эга бўлиб қолмоқда.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борадилар ва эркин мандатга эгадирлар. Бу мамлакатларнинг конституцияларида императив мандат ҳаракати тўғридан-тўғри тақиқланган. Масалан, Болгария Республикаси Конституциясининг 67-моддасида “депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг, балки бутун халқнинг вакили ҳисобланади. Мажбурий ваколатлар белгиланиши қонуний кучга эга эмас”, - деб белгиланган. Бундай нормаларни, Франция (27-модда), Италия (67-модда), Испания (67-модда) конституцияларида ва Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунида (38-модда) учратиш мумкин².

Айрим ҳориж мамлакатларида эса, императив мандат ҳаракати Конституцияда тақиқланмаган бўлсада, депутатларнинг мақомини белгилашда муҳим бўлган қонун хужжатларида тақиқланган. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 16 октябрдаги “Қозоғистон Республикаси парламенти ва унинг депутатларининг мақоми тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг³ 24-моддасида парламент депутати бирор-бир императив мандат билан боғлиқ эмаслиги ва парламентда ўз фикри бўйича

¹ Тультеев И.Т. Правовой статус депутата, “Хукук” юридик журнали, 2001 йил, 3-сон, 13-14 бетлар.

² Конституции мира: Сб. Конституции государств мира (Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов-Ташкент-1997), том 1-7.

³ Конституционный закон Республики Казахстан от 16 октября 1995 г. N 2529 О Парламенте Республики Казахстан и статусе его депутатов (с изменениями, внесенными Конституционными законами РК от 11.04.97 г. N 91-1; от 12.03.99 г. N 348-1; от 06.05.99 г. N 377-1). <http://www.5ballov.ru>.

овоз бериши белгиланган.

Бунда ушбу мамлакатлар эркин мандат, яъни мажбурий ваколатлар белгиланмаслиги парламентар тизимнинг демократиклигининг асосий белгиси эканлигидан келиб чиқишиган. Бундай мандатли депутат мамлакатнинг барча фуқароларини манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларининг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди.

Императив мандат аксарият ҳолларда тоталитар режимга эга давлатда сақлаб қолинган деб айтсак хато қилмаган бўламиз.

Шу сабабли ушбу ҳолатларни бартараф этиш ва миллий парламентаризмни шакллантиришда Ўзбекистонда муҳим ислоҳотлар ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Қонунчилик палатаси депутатларининг мандатлари қанчалик эркин бўлмасин, улар қонунларимизга мувофиқ, ўз сайловчилари билан белгиланган тартибда учрашиб туришлари лозимлиги белгиланган. Бу қонун нормасида императив мандатга ўхшашик жихати мавжуд деб таъкидлаганлар¹¹. Аммо, бу фикрнинг нотўғрилиги шундаки, бундай учрашувларда депутатлар тўғридан-тўғри кўрсатма олишмайди, балки ўз фаолиятлари ва палата фаолияти юзасидан ахборот беришади ҳамда жамият ва давлат миқёсидаги муаммоларни ҳал қилишда масъулиятини оширишга хизмат қиласи.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми - унинг қонунчилиқда белгиланган ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларининг бир бутун мажмуидир²².

Асосий қонунда таъкидланишича, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар. Депутатлар фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

¹¹ Тультеев И.Т. Правовой статус депутата, “Ҳуқук” юридик журнали, 2001 йил, 3-сон, 13-14 бетлар.

²² Тожиҳонов У. ва бошқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуки. Тошкент – 2001, 509-б.

Эътибор қаратадиган бўлсак, сайлов қонунчилгига киритилган ушбу ўзгаришлар асосида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди. Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 30 декабрдаги қарори 39 та сайлов округи бўйича 2010 йилнинг 10 январь куни такорий овоз беришлар ўтказилди¹.

Шунингдек, 2009 йил 27 декабрь ҳамда 2010 йил 10 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижаларига натижаларига қўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 53, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 32, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан – 31, «Адолат» социал демократик партиясидан – 19 нафар депутат сайланди. 15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларири. Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари, яъни 22 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди².

Конституциянинг 88-моддасига қўра, Қонунчилик палатаси депутатларига уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ ҳаражатлар қопланади. Мазкур конституциявий қоидани изоҳлашда шуни таъкидлаш жоизки, конституциявий ҳуқуқда депутатнинг ҳуқуқий мақоми индемнитет ва иммунитет орқали тавсифланади³¹.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми сифатида иммунитет ва индемнитет ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

¹ “Халқ сўзи”, 2009 йил 31 декабрь.

² Ўша жойда.Б.180.

³ Тожихонов У. ва бошқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент. – 2001, 509-бет.

Индемнитет деганда, одатда, депутатга парламентдаги иши учун турли моддий рағбатлар берилиши тушунилади, бунда аввало, профессионал парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади¹.

Кўпгина ҳукуқий адабиётларда индемнитетни депутатни ўз фаолиятини амалга оширишда моддий таъминот билан таъминлаш деб таърифлаш мақсадга мувофиқлиги белгиланган².

Иммунитет - депутатнинг дахлсизлиги, яъни депутатлик фаолиятининг энг мухим кафолатининг ҳукуқий ифодасидир. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва дахлсизлигини англатади.

Депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги унинг сўз ва овоз бериш эркинлигига ифодаланиб, парламент аъзоси олий вакиллик органи мажлисларида билдирган фикри ва берган овози учун жавобгарликка тортилмайди. Жавобгарликка тортилмаслик депутат учун имтиёз эмас, балки халқ манфаатини ифода этишдаги масъулиятдир.

Қайд этилганлардан келиб чиқкан ҳолда иммунитетни депутатларга ўз фаолиятларини тазииксиз, тўсиқларсиз амалга ошириши учун қонун билан белгиланган имтиёзлар йигиндиси деб айтишимиз мумкин.

Депутатлик фаолиятининг бундай кафолати депутат бўлган шахснинг жиной ёки маъмурий тарзда асоссиз жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган. Аммо, унинг асло депутатни муайян жазодан қутқариш воситаси деб тушунмаслик керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

¹ Конституция Российской Федерации. Комментарий. Под общей ред. Б.Н.Топорнина и др. Москва: Юридическая литература, 1994 год, с.443.

² Конституция Российской Федерации: Энциклопедический словарь В.А.Туманов, В.Е.Чиркин, Ю.А.Юдин и др. Москва-1997 год, стр 109.

регламенти тўғрисида”ги Қонунида¹ “Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади”, - деб белгиланган.

Бу ҳолатни ҳам депутат фаолиятининг хуқуқий асоси ва мақомининг муҳим белгиси сифатида қараш мумкин. Бу норма бир томондан Олий Мажлисни профессионал парламент сифатида фаолият кўрсатишини белгиласа, иккинчи томондан ҳар бир депутатга унинг фаолият кўрсатишига ёрдам берувчи таъминот билан таъминланиши лозимлигини келтириб чиқаради.

Депутатларнинг фаолиятининг хуқуқий асосларини белгиловчи яна бир муҳим норматив ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламентини баҳолаш лозим. Ҳозирги кунда Қонунчилик палатаси томонидан регламент лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шуни таъкидлаш керакки, регламент лойиҳасида депутатлар фаолиятини муҳим қирралари белгиланмаган.

Аммо, ушбу лойиҳада “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси талабига зид равишда депутатга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун белгиланган тартибда муайян кунлар ажратилиши белгиланмаган. Бундан ташқари, лойиҳада депутатларни ўз ваколатларини амалга ошириш тартиби чуқурроқ белгиланиши, депутатлик этика қоидалари ва депутатларнинг жавобгарлиги масаласи тартибга солинса мақсадга мувофиқдир. Аксарият хоржий мамлакатлар парламентида ушбу қоидалар бевосита регламент билан тартибга солинган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Парламенти Регламентининг 22, 23, 24-бўлимлари билан ушбу масалалар бевосита

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тугрисида”ги Конституциявий Конуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тугрисида”ги Конуни. “Ўзбекистон Республикаси конунлари тўплами”, 2003 й., 9-10-сон.

тартибга солинган¹. Бу қоидани Россия Федерацияси Давлат Думаси регламентида ҳам учратиш мүмкін.

Бу қоидаларнинг Регламентда ўз аксини топиши депутатнинг ҳуқуқий мақомини ошишига, уларнинг ўз вазифалариға масъулият билан ёндашишига турткі бўлар эди.

1.2. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддати ва депутатлик ваколатларининг тугатилиши

Депутатнинг ҳуқуқий мақомида унинг ваколати муддати ва ваколатини тугатилиши муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун, 1-моддасига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига, яъни беш йил муддатга сайланади. Шу боисдан депутатнинг ваколатлари сайланган кундан бошланади ва Қонунчилик палатаси ваколатлари тугагандан сўнг янги чақириқ сайловлар ўтказилганда тугайди.

Шуни алоҳида тарьидаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари муддатидан олдин ҳам тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

¹ Регламент Парламента Республики Казахстан. Принят на совместном заседании Палат Парламента Республики Казахстан 20 мая 1996 года. <http://www.5ballov.ru/>

- депутат ўз ваколатларини зиммасидан сокит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;
- депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;
- депутатга нисбатан суднинг айлов хукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- суд депутатни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;
- депутат чақириб олинган тақдирда;
- депутат суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- депутат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- депутат вафот этган тақдирда;
- палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Алоҳида ҳолларда, депутатнинг ваколатлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

“Депутат” юксак номни обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат тузилиши асосларига, ижтимоий-сиёсий вазиятни мушкуллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларига қарши қаратилган ғайри конституциявий ҳаракатни содир этиши ёки шундай ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб чиқилиши учун асос бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда депутатнинг ваколатларини бошка шахсга топшириш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, депутат ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асос сифатида “сайланмаганлиги ёки депутатликка тўғри келмаслиги аниқланганлигини” ҳам киритиш лозим. Сабаби депутат

сифатида рўйхатга олингандан сўнг хам турли қонунбузишлар ҳолати бўйича унинг сайланмаганлиги ёки сайлов жараёнларида ёш цензи, ҳудуд цензи ва депутатликка сайланиш учун зарур булган нотўғри маълумотларни нотўғри берилганлиги ва бу ҳолатлар бартараф этиш мумкин эмас ҳолатлар бўлиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатлар вужудга келганда эса ваколат муддатини илгаридан тугатиш масаласини ҳал қилиш қонун нормаларида тартибга солинган ва келгусида Қонунчилик палатаси фаолиятида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Жаҳондаги мамлакатлар тажрибасида бу нормалар конституциясида тўғридан-тўғри белгиланган.

Хусусан, Болгария Республикаси Конституциясининг 72-моддасига кўра¹, депутат сайланмаганлиги ёки депутатликка тўғри келмаслиги аниқланганда, депутат ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор Конституциявий суд томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, ҳорижий мамлакатларда депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатишда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳон тажрибасини кўр-кўrona миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш, яъни жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Масалан, Озарбайжон Республикаси қонунчилигига кўра¹, Миллий мажлис депутати у мансуб бўлган партия тугатилганда ҳам депутатлик мандатидан маҳрум этилиши белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайловлар мажоритар тизим асосида ўтказилади. Бунда сайловчиларнинг аксарияти, сиёсий партиялар учун эмас, балки тўғридан-тўғри номзодлар учун овоз беришади. Бундай ҳолатлар эса юқорида қайд қилинган ҳолатларга ўхшаш

¹ Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Саидов Том-3, стр 85, Ташкент-1997 год.

нормаларни мамлакатимиз қонунчилигига тадбиқ этиш мумкин эмаслигидан далолат беради. Бу нормани пропорционал сайлов тизимиға ега мамлакатлар қонунчилигига хос деб бемалол айтишимиз мумкин.

Айрим ҳорижий мамлакатларда депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилганда унинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш амалиётини учратиш мумкин. Масалан, Мексика Конституциясида² кўзда тутилишича, депутат билан биргаликда унинг ўринбосари ҳам сайланади, депутат лавозимидан кетганидан кейин шу ўринбосар депутатлик вазифасига киришади. Қонунчилик палатаси депутати халқ томонидан сайланган бўлиб, у Қонунчилик палатасида бутун жамият манфаатини ифода этади. Бу нормани қўлланилиши ҳам бир томондан жамият манфаатларини бузилишига олиб келиши мумкин, иккинчи томондан эса сайлов жараёнларини ўзини ҳам жуда мураккаб жараёнга айлантириши мумкин.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Конституциясининг 30-моддасига асосан¹, депутатлик мандатидан маҳрум қилиш ҳақидаги қарор

Миллий мажлис томонидан фақат унинг барча аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овозлари билан ва Жазоирдаги ягона авангард партия ҳисобланган Миллий Озодлик Фронти юқори инстанциясининг таклифига кўра чиқарилиши мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз сиёсий ҳаёт фикрлар хилма-хиллигига асосланади. Бу ўринда ҳозирги кунда кўппартиявийлик тизимга ўтилиб, мамлакатимиз сиёсий жараёнларида 5 та сиёсий партия иштирок этиб келмоқда. Сиёсий партияларнинг бирортасига бундай ҳуқуқни берилиши тоталитар режимга қайтиш билан баробар деб ҳисоблаш мумкин.

¹ Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-7, стр. 124, Ташкент-1997 год.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз қонунчилигига Қонунчилик палатаси депутати ваколатлари муддатидан илгари тугатиш масаласи Қонунчилик палатаси томонидан ҳал қилиниши жуда тўғри белгиланган.

Лекин, шу билан бир қаторда жаҳон тажрибасида маълум бир даражада ютуқларга ҳам эришилган ва бу тажрибалардан миллий қонунчилигимизни шакллантиришда фойдаланиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Хусусан, Болгария Республикасининг Конститутциясига кўра¹, фақатгина қасдан қилинган жиноят учун депутатга озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо тайинлаш тўғрисидаги хукм кучга кирганда Халқ Мажлиси депутатини ваколати муддати илгаридан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига кўра эса, депутатга нисбатан у қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир қилган жинояти бўйича суднинг айлов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда ҳам унинг ваколати муддати олдиндан тугатилиши белгиланган. Бу нормани фақатгина қасдан жиноят содир этган депутатларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўп ҳолатларда эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган ижтимоий хавфи катта бўлмайди, бундан ташқари, аксарият ҳолларда бундай жиноятлар учун жарима жазоси тайинланади ва Жиноят кодексига кўра, жарима жазоси ижро қилинган кундан бошлиб судланганлик ҳолати тугалланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонунчилик депутатларга қўплаб ваколат ва қонуний имтиёзлар бериш билан бирга уларга катта масъулият ҳам юклайди. Депутатларнинг ҳалқ ҳамда давлат олдидаги масъулияти амалда бўлиши учун қонуний чоралар белгиланган.

Ана шундай чоралардан бири, депутатнинг ваколат муддати тугамасдан муддатидан илгари чақириб олиш мумкинлигидир².

¹ Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-7, стр. 124, Ташкент-1997 год.

² Хусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 4-бет.

Республикамизда депутатни чақириб олишнинг қонуний мустахкамланганлиги халқ ҳокимиятчилигининг тўла намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолат деб айтиш мумкин. Бу масала “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунда депутатни чақириб олиш асослари, чақириб олиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш тартиби, чақириб олиш масаласи кўрилаётганда депутатнинг хуқуқларини кафолатлари, чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш тартиби, овоз бериш натижаларини аниqlаш, чақириб олиш жараёни билан боғлиқ харажатлар каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга қадар ушбу қонун нормалари ҳаётда тадбиқ этилмаган. Бирон бир депутат ёки сенаторларга чақирув институти қўлланилмаган.

Қонунчилик палатаси депутати сайлангунга қадар мураккаб жараёнларни бошидан кечиради. Ҳар бир депутат орқасида сайловчилар, сиёсий партиялар туроди. Улар кўп сонли кишилар орасидан танлаб олинган, уларга катта ишонч ва умид билдирилган. Уларнинг фаолияти эса кишилар тақдирига таъсир қиласи. Шунинг учун, депутатни чақириб олиш, асосли ва ишонарли, аҳамиятли далил ва асослар бўлганда, охирги чора сифатида қўлланиладиган оғир таъсир чораси деб айтишимиз мумкин. Мана шундай чоранинг мавжудлиги депутатга ўз ишига масъулият билан ёндашишини, ҳар бир қадамини ўйлаб босишини, юксак аҳлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлишини тақозо этади.

Ушбу қонун нормасига асосан депутатни чақириб олиш учун қуйидаги асослар белгиланган:

- депутатнинг қонун хужжатларини жиной, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузгани;
- депутатнинг ахлоқ, депутатлик ахлоқини умумэътироф этилган меъёрларини қўпол равишда бузувчи, депутат номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножӯя ишлар содир этгани;
- депутатнинг қонун хужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишида, узрли сабабларсиз бажармагани, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, топшириқларни бажармагани.

Депутат қонунчиларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан депутатлик номига доғ туширса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси обрўсига путур етказса, ўз депутатлик вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса депутатлиқдан чақириб олиниши мумкин.

Депутатни чақириб олиш ҳақида қарор етарли асослар бўлганда, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Бу қарордан сўнг чақириб олиш жараёни бошланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси чақириб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш масаласини ўз ташаббуси билан ҳам ҳал қилиши мумкин.

Шунингдек, бундай қарор қабул қилинишига ҳукуқни муҳофоза қилувчи идоралар ва прокуратура органлари томонидан белгиланган тартибда берган сўровлари ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг қонун хужжатларини бузгани ҳақида маълумот Қонунчилик палатаси томонидан Республика Бош прокурорига дастлабки

тарзда кўриб чиқиши, шу масала юзасидан Қонунчилик палатаси депутатлик одоби қўмитасига (комиссия) хулоса тақдим этиш учун топширилади. Прокурор хулосаси ва депутатлик одоби комиссияси (қўмита) хулосаларини эшитиш якуни бўйича депутатни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур масалани ўргангандан прокурор фикри Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш таклифи асосли деб топилиб, тегишли қарор қабул қилингач, ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Депутатни чақириб олиш ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, прокурор чиқиши мумкин. Чакириб олиш тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан прокурор ва депутатлик одоби комиссияси (қўмита)нинг хулосаларига асосан қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қарорга биноан шу депутат сайланган округда овоз беришни ташкил этади. Депутатларни чақириб олиш улар сайланган округларда яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунларига асосан ташкил қиласи. Марказий сайлов комиссияси чақириб олиш тўғрисидаги қарорни олгач, ўн кунлик муддат ичida депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясини тузилишини таъминлайди ва овоз бериш вақти ҳамда жойини тайинлайди. Бу ҳақда қарор қабул қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хабардор қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чақириб олиндиган депутат ҳуқуқи қонун бўйича кафолатланади. Бу чақириб олиш учун асослар мавжуд материаллар уч кун ичida депутатга ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар қилинишида, чақириб олиш масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, Қонунчилик палатаси сессия ва

мажлислирида чақириб олиш масаласи кўрилаётганданда иштирок этиш ва ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли эканида намоён бўлади.

Чақириб олиш масаласи қўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотлар била туриб тақдим этилган бўлса, бундай ахборот тақдим этган шахс қонунга мувофиқ жазоланади. Чакириб олиш ҳақида овоз беришни ташкил қилиш округ комиссияси зиммасига юклатилади. Овоз бериш ўтказиш учун, овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганда овоз бериш участкалари, кечи билан йигирма кун қолганда участка комиссиялари тузилади. Округдаги сайловчиларнинг рўйхати овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганда танишиш учун тақдим қилинади.

Чақириб олиш бюллетен асосида ўтказилиб, унда депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, лавозими (машғулотнинг тури) кўрсатилади. Бюллетенъ матнида “Депутатнинг чақириб олинишини ёқлайман” ва “Депутатнинг чақириб олинишига қаршиман” деган сўзлар алоҳида-алоҳида ёзилиб, ҳар бир қаторнинг рўпарасига бўш катаклар жойлаштирилади¹.

Сайловчи шу катаклардан бирига маҳсус белги қўяди. Овоз бериш участкалари ва комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш қонунга мувофиқ белгиланади. Округ ва участка комиссияларининг ваколатлари чақириб олиш бўйича якунлар чиқарилгандан сўнг тугайди. Овоз бериш ўтказилган куннинг эртасига округ комиссияси мажлисида овоз бериш натижалари аниқланиб, баённомага киритилади. Баённома Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса ёки овоз беришда

¹ Хусанов О. Ваколат ва мастьулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 5-бет.

рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками овоз беришда иштирок этган бўлса, депутатни чақириб олиш рад этилган ҳисобланади.

Овоз беришда ёқланган ва қарши овозлар teng бўлиб қолган вақтда депутат ўз ваколатини сақлаб қолади. Тегишли сайлов комиссиялари округ комиссиясидан олинган баённома асосида овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ва бу хақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Овоз беришда қонун талаблари бузилган тақдирда такоран сайлов ўtkазилиши мумкин. Кечи билан икки ҳафталик муддат ичида овоз бериш натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хабар қилинади. Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади. Депутатни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш ҳақидаги қарор тегишли асослар бўлганда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Лекин, бу қарор депутатнинг ваколатини тугатмайди. Уларнинг ваколати овоз бериш натижасига кўра тугатилиши мумкин. Қонунчилик палатаси қандай қарор қабул қилганидан қатъи назар, ҳал қилувчи сўзни сайловчилар айтади. Уларнинг фикри депутатнинг тақдирини узил-кесил ҳал қиласди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, алоҳида ҳолларда депутат ваколати Қонунчилик палатаси қарорига биноан тугатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Хулоса қиласиган бўлсак, депутатнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш депутатга нисбатан қўлланиладиган оғир мажбурий чорадир. Бу эса депутатликнинг катта масъулият эканини кўрсатади.

1.3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг дахлсизлиги

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида депутатларнинг ўз ваколатларини тўлиқ ҳажмда ва мустақил равишда амалга оширишлар учун маълум бир даражада кафолатлар белгиланган.

Айрим, хуқуқшунос олимлар депутатлик кафолатларини амалга оширишга имкон яратадиган шароитлар йиғиндиси депутатлик кафолатлари деб аталишини таъкидлаганлар¹. Лекин, менинг фикримча бу тушунча ўз мазмун ва моҳиятига кўра жуда тор маънода берилган таъриф деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Республикасида депутатга ўз ваколатларини тўсиқларсиз ва самарали амалга ошириш учун яратилган шароитлар, уларнинг хуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини муҳофоза қилишга қаратилган чоралар йиғиндисини депутатлик кафолати деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароитлар кафолатланади, унинг хуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишга тўқсинглик қилиш мақсадида депутатга таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар бўладилар. Депутатни хақорат қилган, унга нисбатан тухмат қилган, унга атайлаб сохта маълумот берган мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилиши ҳам қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб

¹ Тультеев И.Т. Правовой статус депутата, “Хуқуқ” юридик журнали, 2011 йил, 3-сон, 13-14 бетлар.

қўйилган.

Айрим ҳорижий мамлакатларда парламент депутатларини шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиш айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Финляндия қонунчилигига кўра¹, парламент, яъни эдускунта депутатини сессияга бориш ёки қайтиш даврида уни депутатлигини билган ҳолда шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиб, ҳақорат қилган шахсларни жавобгарликка тортишда ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги белгиланган.

Шу ўринда, депутатнинг ўз фаолиятини самарали олиб борилиши учун уларнинг дахлсизлигини таъминлаш учун маълум бир тизим шакллантирилган ва ҳар бир мамлакатда бу ҳолат ўзига хос тарзда ҳал қилинган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутати ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Депутатнинг дахлсизлиги унинг ҳуқуқий ҳолатини белгиланишида муҳим аҳамият касб этиши шунда кўринадики, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (88-модда) мустаҳкамланганлигидан кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг шаъни ва қадр-қимматини, шахсини муҳофоза этиш мақсадида, унинг муайян юридик жавобгарликка тортилмаслигини назарда тутади.

¹ Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-3,стр 76, Ташкент-1997 год.

Қонунчилик палатасининг розилигисиз депутат жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатни мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қайд этилган қонунда депутат Қонунчилик палатасида овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги қайд қилинган. Фақатгина, ушбу ҳаракатлар натижасида депутат ҳақорат қилиш, тухмат қилиш ва бошқа қонунбузарликни келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирдагина жавобгарликка тортилиши мумкин.

Демак, депутатнинг қонунга зид ва асослантирилмаган ҳолда жиноий жавобгарликка тортилишидан, қамоққа олинишидан, суд йўли билан маъмурий жазо тайинланишидан қўриқловчи бу тадбирлар тизимини тўлиқ асос билан депутатлик дахлсизлиги дейишимиз мумкин.

Депутатлар дахлсизлигига тааллуқли бу нормаларни бошқа Қонун нормаларида ҳам учратиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам депутатлар дахлсизлиги бўйича аниқ тартиб белгиланган.

Лекин, Қонунчилик палатаси депутатларини дахлсизлигини таъминлаш қонун нормаларида етарли даражада ўз аксини топмаган деб айтиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида миллий парламентаризмни шакллантиришда салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хусусан, депутатларни ўз фаолиятини амалга ошириш даврида ўзига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан тергов органлари томонидан сўроқ қилиниши масаласи ва тартиби ҳал қилинмаган. Айрим ҳорижий мамлакатлар қонунчилигига депутатларни сўроқ қилиниши ҳам парламент рухсатисиз амалга оширилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Хусусан, Россия Федерацияси “Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги Конунининг 19-моддасида “Давлат Думаси депутати палата розилигисиз сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги” белгиланган¹.

Бу тартибни ва депутатларнинг тўлиқ дахлсизлигини таъминлаш учун депутатларни ўз ваколатларини амалга ошириш чофида маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқини ҳам қонун нормаларига жорий этилиши ҳам депутатлар дахлсизлигини янада мукаммаллашишига олиб келади ва фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Юкорида қайд этганимиздек, депутатлик дахлсизлиги турли мамлакатларда турлича ҳал қилинган ва ўзига хос хусусиятга эгадир. Масалан, Финляндия давлатида мавжуд қонунчилигига²² (“Эдускунта тўғрисида”ги Акт) агарда депутат жиноят содир этилган жойда ушланган бўлса ёки суд уни қамоққа олишга рухсат берган ва бу жиноят учун 6 ойдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум этиш кўзда тутилган бўлса, дастлабки тергов органлари парламент розилигисиз тергов ҳаракатларини бошлиш ва депутатни ҳибсга олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Республикамида бундай ҳолатларда депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи Қонунчилик палатаси томонидан ҳал қилинади. Ушбу ҳолат ҳам депутатни дахлсизлигини таъминлаш учун ўта муҳим ҳисобланади.

¹ “Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тугрисида”ги Конун. <http://www.5ballov.ru>.

² Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-4,стр 48, Ташкент-1997 год.

Республикамизда депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига асосан Қонунчилик палатаси томонидан ўн кунлик муддат ичидаги ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиб, палатанинг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, палата Кенгашининг ушбу масалага доир қарори сессияда тасдиқланади.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир розилик бериш масаласига доир қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичидаги Қонунчилик палатасига ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик берилишини рад этилиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Депутатлик фаолиятининг ташкилий кафолатларига депутатнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниши, депутатга ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини,

депутатнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича мансабдор шахсларнинг бурчларини кўрсатиш лозим.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Конунининг 15-моддасига асосан депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш хуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш хуқуқидан фойдаланадилар.

**П-БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

2.1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқлари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақомининг муҳим элементи - бу унинг депутатлик ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида тўлиқ аниқланган. Шу билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хусусидаги моддаларни аниқлаштириш ҳамда уларнинг рўйхатини алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айтиш лозимки, депутатларнинг айрим ваколатлари, ҳуқуқлари уларнинг мажбуриятлари сифатида ҳам тушунилиши мумкин.

Масалан, бундай норма сифатида депутатнинг ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриши, фуқароларни қабул қилиш хусусидаги нормани кўрсатиш мумкин. Бу нормани бир томонидан депутатнинг ҳуқуки, иккинчи томондан унинг мажбурияти сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳуқуқшунос олим Музaffer Mamasiyevning таъкидлашича, Конституциянинг 32- моддасига, иккинчи қисм сифатида киритилган норма мамлакатимизда жамоатчилик назорати тушунчаси, турлари ва шакллари, уни амалга ошириш принциплари ҳамда уларни амалга татбиқ қилишининг ҳуқуқий механизmlарини мустаҳкамловчи “Ўзбекистон Республикаси

жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш заруриятини янада мустаҳкамлади¹.

Мамлакатимиз қонунчилигига асосан Қонунчилик палатаси депутатлари ў фаолиятларини асосан икки шаклда амалга оширадилар.

Бу уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти ва сайлов округларидағи фаолиятидир. Шу сабабдан ҳам депутатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини 2 гурӯҳа, яъни Қонунчилик палатасидаги фаолиятига доир ҳамда сайлов округларидағи фаолиятига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари гурӯҳга бўлган ҳолда ўрганиш лозим.

Депутатлар ўз ваколатларининг асосий қисмини ўzlари сайланган Қонунчилик палатаси орқали амалга оширадилар.

Депутатнинг Қонунчилик палатаси йиғилишларида амалга оширадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида берилган.

Бу қонунга кўра, депутат Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Шунингдек, депутат:

- палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;
- палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- палата мажлисининг кун тартиби, муҳокома қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга, қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга, палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

¹ Мамасиддиқов М. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидир. “Ҳуқуқ ва бурч”. 2014 йил, 5-сон, 24 бет.

- мунозораларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;
- парламент сўрови билан мурожаат этишга;
- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;
- палата мажлисида раислик қилувчига палата мажлисида муҳокома қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклиф ёки мулоҳазаси матнини топширишга;
- палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига кўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақида тегишинча Қонунчилик палатасининг спикерига, Сенат раисига ёзма равищда маълум қилишга;
- палатага ҳисобдор ёки унинг назорат остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳакида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- палата мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;
- фукароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофоза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун хужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳакли.

Депутатлар қайд этилган ҳуқуқларидан ижодий ёндашган ҳолда ташаббус кўрсатиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар, қонунларни ва Қонунчилик палатаси қарорларини қабул

қилишда иштирок этадилар ҳамда давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини назорат қилиб борадилар.

Бу ўринда, Конунчилик Палатаси депутатининг энг муҳим ҳуқуқларидан бири сифатида Конунчилик ташаббуси ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатининг Конунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида ва тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатининг Конунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширилиши “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Конунда юридик жиҳатдан кафолатланган.

Конституция ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун нормасига кўра, Конунчилик палатаси депутатлари Конунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадирлар ва бу ҳуқуқ депутатлар томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари факат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин.

Депутат Конунчилик палатасида Конунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириб, янги қонун ишлаб чиқариш зарурлиги тўғрисида масала қўйиш, янги қонун лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгартириш киритиш ҳакидаги таклифлар билан чиқиши мумкин.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати Конунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритган қонун лойиҳасини Конунчилик палатаси томонидан

биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар лойиха матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чакириб олиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида киритилган таклифни Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси қўмитаси дастлабки тарзда кўриб чиқиш, Қонунчилик палатасида қонун қабул қилиш, янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши бошлиш ҳакида қарор қабул қилиш, таклиф қилинган қонун лойиҳасини такомилига етказиш учун тегишли қўмиталар ва комиссияларга юбориш, қонун лойиҳасини, таклифни асосли рад қилиш сингари қарорлардан бирини қабул қилиш билан кафолатланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонунга асосан Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширади. Масъул қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишига қабул қилиш мумкинлиги ёки уни Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда хulosha тақдим этиши лозим.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг хulosasi асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Қонунчилик ташаббуси асосида киритилган қонун лойиҳаси, агарда айни шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди.

Қонунчилик палатаси депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари устидан назоратни амалга оширишнинг шакли сифатида парламент сўрови ҳукуқига эгадир.

Депутатнинг парламент сўрови, қонунда кўрсатилишича¹, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш ҳакида қўйилган талабидир.

Аввалги қонунчилигимизда бу институт (жараён) “депутат сўрови” деб номланиб, у фақат сессияларда берилар эди. Амалдаги қонунга асосан эса депутат давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли².

Парламент сўрови Қонунчилик палатаси депутатининг расмий талаби хисобланади.

Парламент сўрови парламент назоратининг энг самарали воситасидир. Шу сабабли уни амалиётда кенг қўллаш лозим. У депутатларга берилган энг кучли, таъсирчан имкониятдир. Парламент сўрови орқали депутатлар сайловчиларнинг талаб ва ҳохишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Парламент сўрови депутат ёки бир гурух депутатлар томонидан ёзма равища ёки оғзаки равища киритилиши мумкин.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида берадилар³.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тугрисида”ги Конунининг 10-моддаси.

² Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 3-бет.

³ Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон, 3-бет.

Қонунчилик палатаси депутатининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас¹.

Лекин, шуни кўрсатиш лозимки парламент сўрови бир гуруҳ депутатлар томонидан юборилаётганда парламент сўровини юбориш масаласи қандай ҳал қилиниши кўзда тутилмаган. Шунингдек, амалдаги Қонунчиликда фақатгина парламент сўрови тушунчаси киритилган. Аммо, келгусида парламент сўровини юбориш масаласини мухокома қилиш ва сўров юборишни қабул қилиш ёки рад этиш тартибини кенгроқ ёритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш унинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим, муаммоли масалаларни ҳал қилиш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида амалдаги Қонунчиликка депутат сўров тушунчасини киритиб, депутатлар давлат органларига ўз номларидан сўров бериш хуқукини киритиш лозим.

Хусусан, Россия Федерацияси “Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида **“Парламент сўрови”** ва **“Давлат Думаси депутати сўрови (депутат сўрови)”** тушунчаси берилган бўлиб, парламент сўрови кўпчилик овоз билан қабул қилиниши, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар 15 кунлик муддат ичида парламент сўровига жавоб бериши, жавоб парламент сўрови кимнинг номига юборилган бўлса, ушбу мансабдор шахс томонидан имзоланиши лозимлиги, парламент сўровига ёзма жавоб тегишли йиғилишда раислик этувчи

¹“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Конунининг 32-моддаси.

томонидан эълон қилиниши белгиланган¹. Шу билан бир қаторда, Давлат Думаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига бевосита ўз номларидан бевосита мустақил равишда депутат сўрови юбориш хуқуқига эга эканлиги ва бу масала Давлат Думаси йиғилишларида эълон қилиниши шарт эмаслиги, депутат сўровига 30 кунлик муддатда ёзма жавоб берилиши лозимлиги, депутат сўрови муаллифи у томонидан қўйилган масалаларни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш, шу жумладан тегишли органларнинг ёпиқ шаклдаги йиғилишларида иштирок этиш хуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бу ҳолатларнинг қонун нормаси даражасига кўтарилишича депутатнинг мустақиллигини янада оширади ва депутатлик фаолияти кафолатларини мустаҳкамлигини янада таъминлаш билан биргаликда, уларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг депутатлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин².

Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексида ҳам депутатларга маълум бир даражада имтиёзлар белгиланган. Хусусан, ушбу Кодекснинг 50-моддасида “депутатларнинг шахсий багажлари, агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар, божхона текширувидан озод қилиниши” белгиланган³.

¹ Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации-Москва-2000 год, стр 558.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат иаъзосининг макоми тургисида”ги Конуни.

³ Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси. Тошкент, «Адолат» нашриёти, 2000 йил.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг муҳим шаклларидан бири уларнинг сайлов округларидағи фаолиятидир. Ўзбекистон қонунчилигига депутатларнинг бу соҳадаги фаолияти учун ҳам маълум бир ҳукуқлардан фойдаланиш имкони яратилган. Бу депутатларнинг уларни сайловчилар билан доимий мустаҳкам алоқани ўрнатиши билан боғланган деб ҳисоблаш мумкин¹.

Хусусан, депутат сайловчилар билан алоқа ўрнатар экан, уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иши билан батафсил таништириб боради, бунда депутатнинг сайловчилар билан учрашуви муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан депутат сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит билан таъминланиши шарт.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига асосан “Депутатларга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлари ажратилади”, - деб кўрсатилган. Аммо, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунда ушбу масала умуман ёритилмаган ва қонуний тартибга солинмаган.

Депутатлар сайлов округларида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан йиғилиш ўтказиш ҳукуқига эгадир.

¹ Тўлаганов А. “Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш” дарслиги, Тошкент, 2002 йил, 161-бет.

Амалдаги Қонунчиликда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, сайловчилар олдида ўз фаолияти хусусида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати йилига камидан бир марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ўз фаолияти ва ўзи сайланган Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун эса, ижро этувчи ҳокимият органлари депутатнинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этишлари, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳакида фуқароларга хабар беришлари, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юборишлари, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Шунингдек, депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида ҳам маълум даражада имтиёзли ҳукуқларга эгадир¹.

Фуқароларнинг ҳукуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарликлар тўхтатилишини талаб қилишга ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳаклидир. Қонунбузарлик ҳолати депутатнинг талаби билан тегишли ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин².

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг макоми тўғрисида”ги Конуни.

² Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳукуки Тошкент, 1998 йил «Адолат» нашриёти, 300-310-бет.

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти, шунингдек, ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт.

Қонунчилик палатасининг фаолият олиб боришида ҳам депутатлар фракциялари салмоқли роль ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонунига кўра “Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиялардан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳаклидир” деб белгиланган. Ушбу нормани ҳам депутатларнинг ҳуқуқларидан бири сифатида қараш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелдаги 351-II-сонли Қарори билан тасдиқланган “2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган Қонунчилик ишларининг асосий йуналишлари”да қонунда фракцияларни тузиш тартиби, уларнинг парламент фаолиятидаги иштироки шакллари назарда тутилиши кераклиги кўзда тутилган¹.

Шу сабабдан 2002 йил 12 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунида депутатлар бирлашмалари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатлари белгиланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелдаги 351-II-сонли Карори билан тасдиқланган “2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган сонунчилик ишларининг асосий йуналишлари”.

Ушбу қонунга кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гурухлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент тизимида фақат қуий палатагина сиёсийлашган хусусиятга эга бўлгани боис, депутатлар бирлашмалари (сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гурухлари) айнан мазкур палатада тузилади. Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ҳамда депутатлар гурухлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун хужжатларига мувофик, депутатлар бирлашмаларининг уч шакли - фракциялар ва депутатлар гурухлари мавжуд¹.

Фракция - Қонунчлик палатасида сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади.

Депутатлар гурухлари эса, Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар томонидан тузилиши мумкин².

Блоклар-фракциялар, депутатлар гурухлари бирлашуви асосида тузилиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гурухига кирмасликка ҳақли.

Ушбу қонунга кўра, Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гурухини тузиш ҳуқуқига эга.

Фракция ёки депутатлар гурухини тузиш учун қуийдаги ишлар амалга оширилиши лозим:

¹ Хусанова М. Икки палатали парламент: депутатлар бирлашмалари. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон 15-бет.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тугрисида”ги Конституциявий Конунининг 24, 25-моддалари.

- фракция ёки депутатлар гурухининг таъсис йиғилишини ўтказиш;
- фракция ёки депутатлар гурухини тузиш ҳақида таъсис баённомасини қабул қилиш;
- фракция ёки депутатлар гурухининг раҳбарини сайлаш.

Конституциявий қонундаги эътиборга молик томон шундаки, депутатлар бирлашмаларининг, улар хо. фракция, хоҳ гуруҳ тарзида шаклланганидан қатъий назар, рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Бу эса, биринчидан депутатлар уюшқоқлигини ҳуқуқий кафолатласа, иккинчидан, парламент тузилмалари ишининг самарадорлиги оширади.

Миллий қонунчилигимизда яна бир фарқли жиҳати шундаки, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатларини бажариш даврида сиёсий аъзоликни тўхтатиб турадилар, шунингдек улар фракция ёхуд депутатлар гурухи таркибига киришлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гурухининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Қонунчилик палатасининг депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гурухи аъзоси бўлиши керак, деган холоса келиб чиқмайди. Бинобарин, сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гурухига кирмасликка ҳам ҳақлидир.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гурухига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

2005 йилнинг 26 январь куни Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг мажлислари бўлиб ўтиб, мавжуд сиёсий партияларнинг барчаси ўз фракцияларини тузишга муваффақ бўлдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партиясининг 41 нафар аъзосидан иборат, Халқ демократик партиясининг 28 нафар депутатидан иборат, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг 18 нафар вакилидан иборат, Ўзбекистон “Миллий

тикланиш” партиясининг 11 нафар депутатидан иборат, “Адолат” социал-демократик партиясининг 10 нафар сайланган депутатидан иборат фракциялар тузилди ҳамда фракциялар раҳбарлари сайланди¹.

Таъкидлаш лозимки, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда депутатлар бирлашмалари фаолиятига оид ҳуқуқий асослар белгиланмаган эди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда эса бу ҳолатлар ўз ифодасини топди.

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойик жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гурухларининг ваколатлари доираси сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асоси яратилди. Булар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида муфассал ифодасини топди.

Депутатлар фракцияси ёки депутатлар гурухи таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутати маълум бир даражада қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлади деб айтиш мумкин. Чунки, депутат фракция ёки гурух таркибида:

- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритиш;

¹ Хусанова М. Икки палатали парламент: депутатлар бирлашмалари. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил, 1-сон, 15-бет.

- Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гурухи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш;
- келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйиш;
- Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиш;
- Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гурухининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш;
- Қонунчилик палатасининг Кенгashi, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этиш;
- Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиш;
- ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўйиш;
- фракциянинг, депутатлар гурухининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади¹.

Ҳукуқшунос олим Миравзал Миракуловнинг таъкидлашича, “Парламент назорати бошқа назорат турларидан асосий фарқи – авваламбор давлат ҳокимиятининг бирдан – бир манбаи бўлган халқ сайлаган вакиллар томонидан амалга оширилишидир”². Ҳақиқатдан ҳам депутатлар назорати муҳим жараён ҳисобланади.

¹ Ҳусанова М. Икки палатали парламент: депутатлар бирлашмалари. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил 1-сон 15-бет

² Миракулов М. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви уни янада демократлаштириш сари.”Ҳукуқ ва бурч”, 2014 йил, 5-сон, Б.21.

Шуни алохida таъкидлаш керакки, депутатлик фаолиятининг кафолатлари қонун билан муҳофоза қилинади ва уни бузганлик учун тегишли жавобгарлик чораларини белгиланганлиги ҳам улар ўз хукуқларидан тўла имкон даражасида фойдаланишини кафолатлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 193-моддасида давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари депутатлар олдидағи ўз вазифаларини бажармаслиги, уларнинг ишига тўсқинлик қилиши, уларга атайлаб сохта маълумотлар бериш, депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиши тегишли жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкинлиги белгиланган¹.

2.2. Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатининг мажбуриятлари

Конунчилик палатаси депутати Конунчилик палатасининг қайси қўмитаси, комиссияси таркибиغا, келишув комиссияси таркибиغا сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз берища Конунчилик палатасининг регламентларида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт². Бу мажбурият жуда муҳим ахамиятга эга.

Чунки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Конунига кўра, Конунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади³. Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Тошкент, 1998 йил, “Адолат” нашриёти

² “Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг макоми тугрисида”ги Конуни. 4-модда.

³ “Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Конуни.

Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни қабул қилишда, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Депутат ўз ваколатларининг кўпчилигини Қонунчилик палатаси мажлисларида амалга оширади¹. Депутат Қонунчилик палатаси ишида доимий равища ва интизомли қатнашиши жуда катта аҳамиятга эга, чунки бир қисм депутатлар мажлисларга келмай қолсалар қонун талаб қилган кворум йифилмайди ва Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини тўлиқ амалга ошира олмай қолади.

Шу сабабдан, Қонунчилик палатаси, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, депутатлар бу ҳақда Қонунчилик палатасининг Спикерига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

Агар, Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланганлигини эътиборга олсак, интизомнинг бу тарзда бузилиши Қонунчилик палатаси фаолиятини маълум бир даражада издан чиқаришгача олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, депутатнинг Қонунчилик палатасига мажлисларига бир неча маротаба узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги ҳолатлари бўйича ҳам депутатнинг ваколат муддатларини илгаридан тугатишни қонун даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай тартибни бир қанча ҳорижий мамлакатларда конституциявий норма даражасигача кўтарилиган. Хусусан, Туркия Республикаси Конституциясининг 84-моддасида 1 ой ичида умумий ҳисобда 5 пленар

¹ Тўлаганов А. “Давлат ҳокимиётининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш” дарслиги, Тошкент, 2002 йил, 160-165 бетлар.

мажлисларда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаганлиги учун Буюк Миллат Мажлиси аъзолигидан чиқарилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган¹.

Молдавия Республикаси Парламенти Регламентининг 115-моддасига кўра, меҳнат таътилини расмийлаштирумagan ҳолда Парламент ва доимий комиссиялар йиғилишида иштирок этмаган ҳар қандай депутат “Парламент депутати мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларни йўқотиши мумкинлиги белгиланган².

Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 16 октябрдаги “Қозоғистон Республикаси парламенти ва унинг депутатларининг мақоми тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг³ 26-моддасида “парламент депутати З маротаба узрли сабабларсиз парламент ва унинг ишчи органларининг йиғилишларида иштирок этмаса, ушбу Конституциявий қонун билан белгиланган таъсир чоралари қўлланилиши мумкинлиги” белгиланган.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутати вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериши шарт.

Депутат ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланиши мумкин эмас.

Депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли палата томонидан ёки унинг топшириғига биноан палатанинг органи томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида депутатнинг жамиятда ва ўз сайловчилари олдида масъулиятини ошириш ҳамда маълум жавобгарлик ўрнатиш мақсадида ҳуқуқий асос яратилган. Маълумки, илгариги чақириқ Олий

¹ Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-2, стр-94, Ташкент-1997 год.

² Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Москва-1999 год, стр. 305-309

³ “Қозоғистон Республикаси парламенти ва унинг депутатларининг мақоми тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни. <http://www.5ballov.ru>.

Мажлисида бу тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш учун “Депутатлик одоби комиссияси тўғрисида”ги Низоми ва қоидалари қабул қилинган эди¹.

Ушбу низомга кўра, депутатларнинг шахсий-юриш туришига оид масалаларни ҳолислик билан қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Олий Мажлис ваколат муддатига, яъни 5 йилга депутатлар орасидан раис ва аъзоларидан иборат таркибда депутатлик одоби комиссияси шакллантирилган эди.

Маълумки, Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими шакланиб, Қонунчилик палатаси доимий асосда иш олиб бориши белгиланди. Афсуски, ҳозирги кунда палата томонидан депутатлик одоби комиссиясига ва депутатлик одоби қоидалари бўйича бирор бир норматив хужжат қабул қилинмаган.

Келгусида Қонунчилик палатаси депутатини масъулиятини ошириш учун “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун талаби асосида “Депутатлик одоби комиссияси тўғрисида”ги Низом ва депутатлик одоби қоидаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим. Депутат юксак нуфузли лавозим ҳисобланади. Шу боис, депутат ўзининг асосий вақтини сайланган ишига бахшида этиши олий шарафдир². Мана шу муносабат билан депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳам мумкин эмас. Мазкур конституциявий қоида депутатликнинг бошқа мансаб билан номутаносиблиги принципини мустаҳкамлади³. Бир қатор мансаб лавозимларининг депутатлик билан номутаносиблиги принципи депутатнинг

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Тошкент: 1992 йил, 1-сон, 57-бет, 2-банди.

² Тожиҳонов У. ва бошқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки. Тошкент-2001, 510-511-бетлар.

³ Изоҳ: Қонунчилик палатаси регламенти қабул қилинмаганлиги сабабли ишчи лойиҳасидан фойдаланилди.

молиявий ва иқтисодий жиҳатдан муайян таъсир доирасига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Депутат бундай омиллар таъсиридан ҳоли бўлса, хусусий манфаатларини чеклай олса, халқ, жамият манфаатларини холис ва тўла-тўкис ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси регламенти” лойиҳасида ҳам депутатларнинг маълум бир даражада мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Хусусан, ушбу Регламент лойиҳасининг 73-моддасига кўра, Конунчилик палатаси мажлисларида сўзга чиқувчи депутат ўз нутқида бошқа депутатлар ва шахсларни шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи қўпол ва одобсиз ибораларни ишлатиши, ноқонуний ҳарақатларга чақирмаслиги, асослантирилмаган айловлар қўйиши мумкин эмаслиги таъкидланган. Бу тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи сўзга чиқувчини огоҳлантиради, такроран қоида бузилганда, уни сўздан маҳрум қиласди. Агарда йиғилишда раислик қилувчи сўзга чиқкан депутатга мурожаат қиласа, у ўз нутқини дархол тўхтатиши лозим.

Лойиҳанинг 74-моддасига асосан эса, депутат йиғилишларда раислик қилувчи сўз бергандан кейингина сўзга чиқиши мумкин. Бу тартиб бузилганда эса, депутат огоҳлантиришсиз сўздан маҳрум қилиниши мумкин. Конунчилик палатаси йиғилишларида депутат сўзга чиқувчи ва тингловчиларга ўз фикрини билдириш ёки сўзга чиқишга зарар етказиши мумкин бўлган ҳарақатлари (қарсак чалиш, ҳар хил бақириqlарни ўюштириш, ўрнидан туриб кетиш) билан халақит қилмасликлари лозим.

Жаҳон амалиётида ҳам депутатларга бундай турдаги мажбуриятлар юқлатилганлигини учратиш мумкин. Масалан, Қозогистон Республикаси парламентини ва Россия Федерацияси Давлат Думасининг регламентида ҳам ушбу нормалар ўз ифодасини топган.

Шу билан бир қаторда, Регламент сифатли ва парламентда вужудга келадиган муносабатларни түлиқ тартибга солишга қодир бўлиши учун маълум бир қўшимчалар киритиш ҳам мақасдга мувофиқ бўлар эди.

Хусусан, палата йиғилишларида конституцион тузумни куч билан ўзгартиришга, давлатнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини издан чиқаришга, давлат хавфсизлиги таҳдид солувчи, уруш, ирқий, миллий, диний ва бошқа камситишларга қаратилган ташвиқот ва тарғиботга йўл қўйилмаслигини тўғридан тўғри белгилаш лозим.

Депутатнинг давлат сирини сақлаш, ўз фаолияти юзасидан маълум бўлган маълумотларни тарқатмаслик, оммавий ахборот воситаларида, пресс-конференцияларда, митингларда ва бошқа оммавий чиқишлиларда фақатгина текширилган ва аниқ маълумотлардан фойдаланиши лозимлиги каби мажбуриятларни ҳам киритиш ва ҳуқуқий тартибга солиш лозим.

Бундан ташқари, регламентнинг ўзида депутатларнинг жавобгарликка тортилиш асослари ва жавобгарлик турларини белгилаш лозим. Хусусан, Қозогистон Республикаси Парламентининг регламентида белгиланган депутатлик этикасини бузган депутатларга:

- омма олдида узр сўраш;
- қўшма ва алоҳида ўтказиладиган бир пленар йиғилиш давомида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- қўшма ва алоҳида ўтказиладиган уч пленар йиғилишлар давомида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- қўшма ва алоҳида ўтказиладиган бир пленар йиғилиш давомида залдан чиқариб юбориш;
- қўшма ва алоҳида ўтказиладиган уч пленар йиғилишлар давомида залдан чиқариб юбориш;
- бир қунлик иш ҳақидан маҳрум қилиш каби жазолар қўллаш мумкинлиги белгиланган.

Қайд этилган чоралар фақатгина депутатлик этикасини бузғанлик учун қўлланилади.

Агар депутат узрсиз сабабларга кўра 1 ойдан ортиқ муддат давомида йиғилишларда иштирок этмаган тақдирда, иштирок этмаган муддатларга:

- ойлик иш ҳақи тўлаш;
- транспорт йўл чипталарини харид қилиш;
- хизмат сафарига чиқариш;
- хизмат сафари харажатларини қоплаш;
- автомобиль-транспорт хизматлари кўрсатиш;
- даволаш-соғломлаштириш ва санаторий-курорт хизматлари кўрсатишилк рад қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Қонунчилик палатаси регламентида мажбурият ва жавобгарлик турларини аниқ белгиланиши, уларни қўллаш тартиби белгиланиши бевосита палата иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, депутатларнинг фаоллигини оширишга, депутатлик этикасига қатъий риоя қилишига олиб келади.

2.3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий кафолатлар тизимини янада мустаҳкамлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиқсан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-

моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради”¹ деб таъкидладилар.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”² ва унинг асосида 2011 йил 18 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (78, 80, 93, 96, 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”³ ги Қонун³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Конституцияга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга қаратилга мазкур қонун парламент фаолияти самарадорлигини ва таъсирини оширувчи бир қанча ўзгаришларни назарда тутади.

2014 йил апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунда фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги изчил ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ижро ҳокимияти органлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябр қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маъruzаси. Халқ сўзи. 13 ноябр

² Ўша жойда.

³ Мазкур қонун “Халқ сўзи” газетасида 2011 йил 19 апрелда эълон қилинган.

ҳамда парламент ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Марказий сайлов комиссиясининг мақомини конституция даражада мустаҳкамлаш каби янги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Хуқуқшунос олимлар Ш.Зулфиқоров, О.Турғунов таъкидлашича, жамоатчилик назорати хуқуқий асосларининг конституциявий мустаҳкамланиши уни давлат ва жамият қурилишининг энг муҳим институтларидан бирига айланишига, жамиятда халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга хизмат қиласди. Фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришга янада кенгрөқ жалб этишга кўмаклашади¹.

Албатта ҳозирги фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида халқ вакилларининг ролини, яъни Қонунчилик палатаси депутатларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини, уларнинг қонун қабул қилиш жараёнида, унинг ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш лозим.

Хусусан, 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, илк бор шакллантирилган парламент фаолиятида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан:

- Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслиги;

- қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишида ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги. Зеро, кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та

¹ Халқ сўзи.2014 й. 4 апрель.

қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган. Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган;

- қабул қилинаётган қонунларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва кўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характерига, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас. Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигига кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади;

- қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда. Қуи палата фаолият юритган бутун давр мобайнида атиги бир нечта, хусусан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилганини албатта етарли деб бўлмайди;

- парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтоҷ эканини, сайловчилар

қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди.

Албатта ушбу келтириб ўтилган камчиликлар, фикр ва мулоҳазалар Конунчилик палатаси депутатларининг янада фаолроқ бўлишларида, ўз ваколатларидан унумлироқ фойдаланишларида, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишларида фаол иштирокчи бўлишларида муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

2014 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси, 21-бандига ўзгартиш киритиш бўйича “ушбу Конституцияда назарда тутилган парламент назорати ва бошқа ваколатларни амалга оширади” деган қоиданинг киритилиши Конунчилик палатаси депутатлари олдига янада масъулият ва жавобгарлигни қўяди. Албатта депутатлар берилган хуқуқ ва ваколатлардан етарли даражада фойдаланишлари, ўзларининг профессионал даражаларини кўрсатишлари лозим.

Қонун нормаларидан келиб чиқкан ҳолда депутатлик фаолиятининг кафолатларини маълум бир гурухларга ажратиш мумкин. Хусусан, бу кафолатларни сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва шахсий дахлизизлик каби гурухларга ажратиш мумкин¹¹.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатлари сифатида ҳарбий йиғинлардан озод қилиш, транспортда текин юриш, хизмат турар жойи бериш, пул тўланадиган йиллик таътилларни берилишини ва меҳнат хукуqlари кафолатларини кўрсатиш мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Конунининг 16-моддасига асосан, депутатнинг Конунчилик палатасида ишлаган вақти

¹¹ Тўлаганов А. “Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш” дарслиги, Тошкент, 2002 йил, 161-бет.

умумий иш стажига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланиши кўзда тутилган.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда депутатга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ҳамда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртacha иш ҳақи сақланиб қолинади.

Депутатга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. Ҳар йилги меҳнат таътили, одатда, Қонунчилик палатаси сессиялари оралиғидаги даврда берилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасидаг депутатнинг Ўзбекистон Республикаси худудида ҳаво, темир йул ва такси ҳамда шаҳар йўловчилар транспортидан ташқари автомобиль йўловчи транспортида текин юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, депутат аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йул вокзаллари ҳамда станцияларнинг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўз ўрнида темир йул вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиация агентлиги ёки аэропортлар депутат ўз гувоҳномасини кўрсатганидан сўнг унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт.

Бундан ташқари, чиптасида ўриндиқнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда депутат автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Депутат ҳар бир транспорт турида қўл юкини текин олиб юриш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раиси, раис ўринbosарлари, қўмиталари ва комиссияларининг

раислари, парламентлааро алоқалар бўлимининг мудирига ўз фаолиятларини янада тўлароқ амалга ошириш мақсадида дипломатик паспортлар берилиши ҳам қонун нормаларида белгилаб қўйилган¹.

Қонунчилик палатаси депутати Тошкент шаҳрида тураг жойга эга бўлмаса, улар берган аризаларига кўра ваколат муддатига оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат тураг жойи берилади.

Лекин, шу билан бир қаторда депутат фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатлари сифатида депутатнинг ҳаётини мажбурий суғурталаш, депутатни ваколат муддати тугагандан сўнг унинг сайлангунга қадар ишлаган лавозимига тавсия этиш ёки бу лавозимга teng иш билан таъминлаш, тиббий ва майший хизмат кўрсатишни таъминлаш каби ижтимоий-иктисодий кафолатларни қонунда мустаҳкамлаш лозим.

Бу каби амалиётлар бир қатор мамлакатлар бир неча йиллардан бери қўлланиб келинмокда ва айтиш жоизки депутатлик кафолатларини таъминлашда муҳим ўрин тутиб келмокда.

Хусусан, Италия Конституциясининг 38-моддасига кўра², парламентга сайланган давлат хизматчилари ўз ваколат муддатлари даврида вақтинчалик заҳирага чиқишилари белгиланиб, ваколат муддатлари тугагандан сўнг иш ҳақи ва стажида йўқотишлариз ўз иш жойларига тикланиши лозим.

Россия Федерацияси «Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддаси 4-бандида³ Давлат Думаси депутатлигига сайланган ички ишлар, давлат ёнғин хавфсизлиги, прокуратура, солик, полиция, божхона, жазони ижро этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.01.1995 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг чет элга боришлиари тартибни ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 8-сонли қарори (кўшимча ва ўзгартиришлар билан)

² Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Сайдов Том-5, стр. 56, Ташкент-1997 год.

³ “Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги Конун. <http://www.5ballov.ru>.

органларининг хизматчилари ва мансабдор шахслари ваколат муддатлари тугагандан сўнг ўз хизматларини давом эттириш ёки ҳарбий хизматдан олдиндан бўшаш ҳукуқига эга. Бундан ташқари, Давлат Думаси аъзоси ваколат муддати тугагандан сўнг уларга олдинги мансаблари ёки уларнинг розилигига кўра бошқа иш жойи тақдим этилиши кўзда тутилган.

Украина Республикаси “Украина халқ депутатининг мақоми тўғрисида”ги Конунининг 32-моддасида депутатлик¹ фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатларига депутатни мажбурий давлат суғурталаниши ҳам киритилган.

Бу қонунга кўра, депутат ҳаёти ва соғлиги 10 йиллик мукофот пули миқдорига Рада ҳисобидан суғурталанади ва суғурта пуллари депутатлик ваколатларини амалга ошириш жараёнида олинган жароҳатлар ва бошқа жароҳатлар депутатнинг ўлимини келтириб чиқарган ёки меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келганда тўланади.

Бу норма Россия Федерациясининг депутатлик мақомига доир қонун ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Аввалги қонунчилигимизда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатларини таъминловчи ҳужжатлардан бири бу - Олий Мажлиснинг 1995 йил 24 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати фаолиятининг таъминоти тўғрисида”ги Низом ҳисобланиб, ушбу Низомга асосан депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида маблағ тўланиши ҳамда ушбу маблағдан даромад солиғи олинмаслиги белгиланган эди. Бундан ташқари, депутатни иктисодий таъминоти миқдори Олий Мажлис Раиси Кенгаш билан келишган ҳолда белгиланиб келинган.

¹ Чиркин В.Е. Конституционное права зарубежных стран. Москва, 1999 йил, стр-508.

Бу амалиётни қўллаш эса, менинг фикримча ўзини етарли даражада оқламайди ва бу масалани (иқтисодий таъминоти миқдорини) парламентнинг бутун таркиби ҳал қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ерда, депутатнинг таъминоти билан боғлиқ масалаларга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор парламентнинг янги таркиби сайлангунга қадар кучга кирмаслиги тўғрисидаги қоидани амалга ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу тартиб субъективизм ва депутатлар фаолияти таъминотида ўзбошимчалик каби салбий ҳолатларни бартараф қилиш имконини туғдиради.

Бундай тартибни кўпгина ҳориж мамлакатларининг амалиётида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг Давлат Думаси депутатига федерал вазирга тўланадиган миқдорда иш ҳақи (оклад) ва қўшимчалар тўланиши лозимлиги белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг хуқукий мақоми билан боғлиқ яна бир муҳим масалани ҳал қилиш лозим. Профессионал фаолиятга асосланган парламентга ўтиш ҳозирнинг ўзида ҳар бир депутат унинг депутатлик фаолиятига кўмаклашадиган ўз ёрдамчисига эга бўлиш масаласини ҳал қилишни тақозо этади. Бу мақсадда, ёрдамчиларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятига ёрдамлашувчи хизматлар штатига киритиш ва уларни фаолият кўрсатиши билан боғлиқ харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш лозимлигини белгилаш лозим¹. Жаҳон мамлакатларининг аксарият қисми ва ҳатто МДҲ таркибиға кирувчи айrim мамлакатлар (Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси) парламентлари депутатлари ўз ёрдамчиларига эгадирлар². Албатта, бу тадбир қўшимча харажатлар, маблағлар ва қўшимча хоналарни талаб қиласи.

Бироқ, бу харажатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

¹ Тультеев И.Т. Правовой статус депутата Олий Мажлиса: проблемы и решения. “Хукук” журнали. 2012 г.

² Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Москва, 1999 йил, ст.258.

самарали ва фойдали фаолиятига олиб келишини эътиборга олсак тўлиқ ўзини оқлайди деб айтишимиз мумкин.

Бу мақсадларда эса, биринчи ўринда депутатлар ёрдамчиларининг фаолиятини тартибга соловчи норматив ҳужжатларни ҳам ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қонунчилигига Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентида кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Айрим ҳориж мамлакатларида эса депутатлик фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатлари кенгроқ ва батафсил ёритилган. Хусусан, «Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида»ги Конунининг 2-моддасида ижтимоий кафолатлар ҳажми бўйича Давлат Думаси депутати федерал министр даражасига, палата раиси, унинг ўринбосарлари тегишли равишда Россия Федерацияси Ҳукумати раиси, унинг ўринбосарлари даражасига тенглаштирилганлиги белгиланган¹¹.

Шунингдек, ушбу қонунда Давлат Думаси депутати фаолиятининг ижтимоий кафолатларига қуйидагилар тааллуқли эканлиги белгиланган:

- ҳар ойлик пул мукофотлари ва ва ушбу федерал Қонун билан белгиланган бошқа тўловлар;
- ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилиши;
- Давлат Думасида депутатлик фаолиятини амалга ошириш даврини федерал давлат хизмати стажига кўшилиши;
- Депутат ва унинг оила-аъзоларига тиббий, санатория-курорт хизматлари кўрсатиш;
- пенсия таъминоти, шу жумладан, Давлат Думаси депутатининг ўлими натижасида унинг оила-аъзолари пенсия таъминоти;

¹¹ Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Москва, 2010 йил, стр. 558.

- Давлат Думаси депутатини фаолият кўрсатиш давомида касал бўлиш ва меҳнат лаёқатини йўқотиш ҳолатларидан мажбурий давлат сугурта таъминоти;

- доимий яшаш жойи бўлмаган депутатларни уй-жой билан таъминлаш;
- федерал министрлар эга бўлган бошқа ижтимоий кафолатлар.

Аввалги амалиётларда депутатлар фаолиятининг ижтимоий-иктисодий кафолатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлардан бири - бу “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида”ги Низом ҳисобланган. Ҳозирда, Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимига ўтганлиги муносабати билан ва Конунчиллик палатасида депутатлар доимий асосда ишлаши лозимлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу низом замон талабига жавоб бермайди.

Шу сабабли депутатлар фаолиятини таъминоти билан боғлиқ янги норматив ҳужжат қабул қилиниши ва қайд этилган ҳорижий мамлакатлар амалиётини Ўзбекистон қонунчилигига ҳам қўллаш, депутатлик фаолияти кафолатларни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиб, депутатлик дахлсизлигини, уларнинг ижтимоий-иктисодий кафолатларини мустаҳкамлайди.

Х У Л О С А

Мустақилликка эришилгандан кейин қисқа давр ичидә Ўзбекистонда парламент ваколатларини кенгайтирадиган, чуқурлаштирадиган, депутатлар хуқуқлари, мажбуриятлар ҳамда ваколатларини вазифаларини тўлдирадиган қатор хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ислоҳотларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзоларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Жумладан, бу ислоҳотлар:

биринчидан, қонунчилик фаолиятини самарадорлигини ошириш; иккинчидан, парламент назорати вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш; учинчидан, парламент фаолиятида регионлар ролини кучайтириш; тўртинчидан, парламентни барқарор ишлиши учун кафолатлар тизимини яратиш; бешинчидан, депутатларнинг профессионал сифатларини ва умуман, парламентаризм маданиятини ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида парламентаризм соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди ва бундай натижалар мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Аммо, депутатларнинг хуқуқий мақомини белгиловчи хуқуқий ҳужжатларни тўлиқ мукаммал деб бўлмайди. Аксарият, ҳолларда ҳозирги кунга қадар депутатлик фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Парламентнинг самарали ишлиши ва халқ хокимиятини тўлиқ ифодалашда сенатор ва депутатларнинг хуқуқий мақоми қай даражада белгиланганлиги, улар мустақил фаолият кўрсатиши, ўзларини фаолиятини тўсиқларсиз бажариши учун асосий кафолатларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ишда амалга оширилган таҳлил натижасида энг муҳим хulosса ва таҳлиллар ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда Қонунчилик палатаси депутати институтига унинг барча тавсифий хусусиятларини қамраб олган қатъий таъриф берилмаган. Шу жиҳатдан олганда, мазкур қонуннинг 1- моддасида “депутат” тушунчасига қуидагича таъриф бериш лозим: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, Қонунчилик палатасининг ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган ҳамда фаолияти давомида бутун ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси депутат ҳисобланади”.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фаолияти мобайнида маълум бир принциплар асосида фаолият олиб боришлари лозимлигига доир қоидани киритиш лозим. Бундай принциплар сифатида: мустақиллик; қонунийлик; коллегиаллик; инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги; жамоатчилик фикрини ўрганиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

3. Хорижий давлатлар тажрибаси, парламент фаолияти ва уларга юкланган вазифаларни инобатга олиб, парламент назорати самарасини, Қонунчилик палатаси депутатлари мақомини ва уларнинг ҳалқ мафаатини амалга оширишдаги фаолиятини ошириш мақсадида “парламент сўрови” билан бир қаторда “депутат сўрови” тушунчасини миллий қонунчилигимизга киритиш лозим. Бу ҳолат биринчидан, депутатларнинг мустақиллигини янада таъминласа, иккинчидан, ўзининг таъсир доирасини

янада кенгайтиради, учинчидан, депутатларнинг парламентдаги фаолиятини кучайтиради.

4. Депутатларга юклатилган вазифалар кенглиги сабабли жуда катта ваколатлар берилган, лекин шу ўринда уларнинг дахлсизлиги етарли даражада таъминланмаган, хусусан, уларнинг мажбурий ижтимоий суғурталаниши каби иқтисодий кафолатлар белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Албатта ушбу кафолат депутатларнинг ҳам меҳнат фаолиятида, ҳам соғлигини ҳуқуқий ҳимоялашда мухим мезон ҳимсобланади. Бундай ҳолатларни энг ривожланган давлатлар тажрибасида учратишимиз мумкин.

5. Қонунчилик палатаси регламентида депутатларнинг ўз фаолиятларига масъулият билан ёндашишини таъминлаш мақсадида уларнинг меҳнат интизомини қатъий белгилаш, бу интизомга бузилган тақдирда уларга қўлланилиши лозим бўлган таъсир чораларини аниқ белгилаш лозим. Хорижий мамлакатларда депутатларнинг тегишли сессияларда, қўмита ва комиссиялар мажлисларида, фракциялар йиғилишларида мунтазам тарзда иштирок этмаганликлари учун аниқ таъсир чоралари белгилаб қўйилган.

6. Мамлакатимизда парламент ислоҳотларини ўтказилиши натижасида икки палатали парламент шаклланганлиги муносабати билан қабул қилинган қонун нормалари ва хорижий давлатлар мамлакати тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда депутатлар этикаси, одоб қоидаларини тартибга солувчи янги норматив хужжатлар ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, Депутатлик одоби тўғрисидаги Низом ва ҳоказо.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.- Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.-Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
15. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.
16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 366 б.
17. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Т.:

- “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.
18. Karimov I.A. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko`tarish sari. – Т.: “О`zbekiston”, 2010. – Т.18. -264 б.
 19. Каримов И.А. Демократиек ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.
 20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мадеринизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -320 б.
 21. Каримов И.А. 2012 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 20 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳайтимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” деб номланган маъруза // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 8 декабрь.
 22. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь.
 23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.
 24. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
 25. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // – “Инсон ва қонун” газетаси. – 2011 йил 7 декабрь. – № 52-53.
 26. Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

2. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 406.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов

комиссияси тўғрисида” ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998 й.- № 5-6.- 95-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002.- № 4-5.- 60-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002.- № 12.- 213-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002.- № 12. -215-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси.2003.- № 3-4.- 27-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003.- № 9-10.- 132-модда.
8. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-ИИ-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003.- №9-10.- 134-модда
9. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10. -136-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003.- № 9-10.- 137-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003.- № 9-10.- 138-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005.- №1.- 8 – модда.
13. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон

- Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005. - №1.- 8 –модда.
14. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005.- №1.- 12- модда.
 15. Ўзбекистон Республикаси "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006.- №41.- 406-модда.
 16. Ўзбекистон Республикаси "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда.
 17. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи. 2008 йил 27 декабрь
 18. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)" ги қонуни. Халқ сўзи, 2011йил, 18 апрель.
 19. Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан " Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда " Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2012 йил, 19 декабрь.№ ЎРҚ – 340.
 20. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни.2013 йил 18 апрель.ЎРҚ -349.
 21. "Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 29.04.2004 й. 609-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. 2013 йил 22 апрель.ЎРҚ – 351.
 - 22 "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган.2013 йил 22 апрель.ЎРҚ – 350.
 - 23 Инсон хуқуқлари умумжаон Декларацияси. Бош ассамблеянинг 1948 йил 10 авгуистдаги 217 А (III) резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.

3. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Азизходжаев А.А. Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов. - Т.: Узбекистан, 1990
2. Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. - Т.:Ўзбекистон. 1995. - 208 б.
3. Адилқариров Х.Т. Законотворческий процесс в Республике Узбекистан: вопросы теории и практики- Т., 1995.
4. Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожихонов, А.Х.Сайдов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й.
5. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари, -Т., Университет, 1994.
6. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
7. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.Т.: Шарқ.- 532 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 645 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: ТДЮИ.- 2005 545 б.
10. Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир: проф.А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 576 б.
11. Стрекозов В.Г., Казанчев Ю.Д. Конституционное право России: Учебник. – М.: Новый юрист, 1997. – 288 с.
12. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов – М.: Издательская группа НОРМА – ИНФРА .М, 1998. – 752 с.
13. Исламов З.М. Общество, государство, право- Т.: «Адолат», 1997.
14. Ш.Х.Зулфиқоров. Парламент ҳуқуқи: Ўқув қўлланма –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –223 бет
15. Парламент ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 302 б.
16. Ўзбекистон Республикасининг конституциясига шарҳ / А.А.Азизхўжаев таҳрир остида. Тошкент: ЎзР Адлия вазирлиги, ТДЮИ, 2008. – 496 б.
17. Беков И.Р. Парламент ҳуқуқи: Ўқув-услубий қўлланма –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. –273 бет
18. Parliament Elections in Britain. London: Commonwealth Office. 1996.
19. James Lochrie. Meeting procedures: Parliamentary Law and Rules of Order

- for the 21st Century. 2003
20. Beirbaum, dr. Gene. The parliamentarian of tomorrow. 2010.
 21. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. Тошкент: Адолат, 2013.-Б.548
 22. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. Ҳ.Т.Одилқориев таҳрир остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2005. – 752 б.

4. Илмий журналлардаги мақолалар

- 1 Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислоҳотлари // Жамият ва бошқарув, 2004, № 1, Б. 31.
- 2 Абдурахмонов У. Қонун ижодкорлиги ва қонун тили услуги. // Ҳуқуқ-Право-Law, №1, 2003, Б.10-14
- 3 Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси - “Хаёт ва қонун”, 1994, № 2 .
- 4 Азизхўжаев А.А. Демократия - халқ ҳокимияти демакдир. - Т.: Шарқ, 1996.- 226.
- 5 Ахмедшаева М.А. Қонунчилик техникаси ва талаблари // Илмий-амалий анжуман маъруза матни, 2005, 5 август – Т.:ТДЮИ, 2005. Б.100-104
- 6 Бельсон Я.М. Проблемы современного английского парламентаризма в буржуазной правовой науке // Советское государство и право, 1957, № 12.
- 7 Кузнецова Л.Л. Сравнительно-правовой анализ основных форм парламентского контроля // Журнал российского права, 2004, № 2.
- 8 Начева С. Болгарская конституционная модель процедуры реализации вотума недоверия (правовое регулирование и парламентская практика) // Парламентские процедуры: процедуры России и зарубежный опыт: Материалы научной конференции (Москва, 21–23 марта 2002 г.). М.: Изд-во МГУ, 2003.
9. Онишко Н.В. Парламентаризм как конституционно-правовой институт // Журнал российского права. 2003. № 4.
10. Пиголкин А.С. Парламентское право становится учебной дисциплиной // Журнал российского права. 1999. № 10.
11. Тультеев И.Т. Правовой статус депутата // Ҳуқуқ. З-сон, 2001.
12. Тультеев И.Т. Правовой статус депутата. // Ҳуқуқ, 2001, №3, С.24-25
13. Турсунов А.С. Сайловларда иштирок этиш ва сайловолди ташвиқот маданияти. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. 4 (10) – сон, 2004.
14. Турсунов А.С. Хориж парламентлари тажрибаси // Жамият ва бошқарув. 2– сон, 2002.
15. Халилов Э.Х. Основные приоритеты Парламента Узбекистана на пороге и в начале XXI века.// Ҳуқуқ-Право-Law, 2000. №2. С.3-8.

16. Халилов Э.Х. Ўзбекистонда парламентаризм мактабининг илк сабоқлари:// Қонун ҳимоясида. 2000. № 8. 3-86.
17. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. -Т.: Шарқ. 1996.-766.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати Ташқи сиёsat масалалари кўмитасининг 2011 йил 15 сентябрдаги илмий – амалий конференция яқунлари бўйича қабул қилинган тавсиялари
19. Миракулов М. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви уни янада демократлаштириш сари.”Хукуқ ва бурч”, 2014 йил, 5-сон
20. Мамасиддиқов М. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидир. “Хукуқ ва бурч”. 2014 йил, 5-сон, 24 бет.

5. Интернет сайatlари

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.parliament.gov.uz>
3. <http://www.legislature.ru/parliam.html>
4. <http://www.senat.uz>
5. <http://www.media-online.ru>
6. <http://www.mnogo-info.ru>
7. <http://www.parlam.kz>
8. http://www.portalus.ru/modules/internationallaw/rus_readme.php
9. <http://www.respublica.elcat.kg/arc/2002/021022/5.htm>
- 10 <http://www.zakon.kz>
- 11 <http://www.parliament.uk>